2017 йил 5 май, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 95 (13.428) Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## “НУКУС-ФАРМ”, “ЗОМИН-ФАРМ”, “КОСОНСОЙ-ФАРМ”, “СИРДАРЁ-ФАРМ”, “БОЙСУН-ФАРМ”, “БЎСТОНЛИҚ-ФАРМ” ВА “ПАРКЕНТ-ФАРМ” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикамизнинг фармацевтика тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга хорижий ва маҳаллий инвестицияларни фаол жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, доривор ўсимликлар хомашёсини етиштиришнинг ноёб шароитларини инобатга олган ҳолда маҳаллий доривор воситалар бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли дори воситалари билан тўлдириш, уларни чуқур қайта ишлаш ҳамда юқори қўшилган қийматли фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш асосида янги иш ўринларини яратиш ва республикамиз аҳолиси даромадларини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, “Ўзфармсаноат” ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини (кейинги ўринларда “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

доривор ўсимликлар хомашёсини ўзига хос табиий шароитларда етиштириш ва кейинчалик қайта ишлаш борасида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

юқори қўшилган қийматли замонавий фармацевтика маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда белгиланган тартибда ташкил этилган плантацияларда етиштирилган доривор моддалар (субстанциялар) ҳамда доривор ўсимликлар хомашёси негизида ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

доривор ўсимликлар хомашёсини қайта ишлаш ва дори воситалари, тиббиёт буюмлари, ёрдамчи ва қадоқлаш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги замонавий ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этиш;

мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ва эркин иқтисодий зоналар ташкилотлари ҳамда республикамизнинг бошқа корхоналари ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёси ва материаллари негизида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

доривор ўсимликлар хомашёси интродукция ва культивациясини ўрганиш бўйича тажриба-экспериментал лабораториялари бўлган илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

“Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати, кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади;

фаолият кўрсатиш муддати мобайнида “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ ҳудудларида алоҳида солиқ, божхона ва валюта режимлари амал қилади.

*(Давоми 2-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги ПҚ-2744-сонли "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарорининг бажарилишини таъминлаш ҳамда аэропорт инфратузилмаси фаолияти самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, Тошкент халқаро аэропортида замонавий талабларга мувофиқ йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. “Тошкент” халқаро аэропорти” давлат унитар корхонасига Ислом Каримов номи берилсин.

2. Тошкент халқаро аэропорти инфратузилмаси фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурининг ҳар томонлама тайёрланишини ва асосланишини таъминлаш мақсадида иловага мувофиқ таркибда Махсус комиссия ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги билан биргаликда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган Комплекс чора-тадбирлар дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун тақдим этсин:

режим-қўриқлаш чора-тадбирлари тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, аэропортда замонавий, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига йўловчиларнинг божхона, чегара ва иммиграция тартиботларидан ўтиш вақтини қисқартириш;

мавжуд таркибни танқидий таҳлил қилиш ҳамда божхона, чегара ва иммиграция хизматлари, ички ишлар органлари ва аэропортда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ходимлари барча тоифаларини танлашга нисбатан талабчанликни ошириш, улар томонидан хизмат ваколатларининг ҳар қандай тарзда суиистеъмол қилинишининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш;

пойтахтга ва республикага келадиган йўловчилар, меҳмонлар ва хорижий делегацияларга хизмат кўрсатишнинг юқори даражасини таъминлаш, Ўзбекистоннинг бош ҳаво бандаргоҳида ўзбек халқига қадимдан хос бўлган самимий илтифот ва меҳмондўстлик муҳитини яратиш;

зарур қулай шарт-шароитларни яратишни назарда тутган ҳолда аэропортнинг тегишли инфратузилма хизматлари фаолияти самарадорлигини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг багажи билан ишлашнинг технологик жараёнини оптималлаштириш;

кузатиб қолувчилар ва кутиб олувчилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, махсус ажратилган ҳудудда автотранспортлар тўхташ жойларини ташкил этиш, ободонлаштириш масалаларини комплекс ҳал этиш;

аэропортнинг барча хизматлари фаолияти самарадорлиги ва сифатини ошириш, шунингдек, йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг янада қулай шарт-шароитларини яратиш учун илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва жорий этиш.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 4 май*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 4 майдаги
ПҚ-2950-сон Қарорига илова

### Тошкент халқаро аэропорти инфратузилмаси фаолияти самарадорлигини янада ошириш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича Махсус комиссия таркиби

| | | |
|---|---|---|
| Арипов А.Н. | – | Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Комиссия раиси |
| Раматов А.Ж. | – | Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Комиссия раисининг ўринбосари |
| ***Комиссия аъзолари:*** | | |
| Тян В.Н. | – | “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг бош директори |
| Азизов А.А. | – | Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири |
| Комилов А.Х. | – | Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири |
| Хўжаев Б.А. | – | Ўзбекистон Республикаси молия вазири |
| Ғаниев Э.М. | – | Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири |
| Муратов М.М. | – | Ўзбекистон Республикаси маданият вазири |
| Эминжанов Р.О. | – | Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари – чегара қўшинлари қўмондони |
| Тохирий В.М. | – | Давлат божхона қўмитаси раиси |
| Шарапов А.К. | – | Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси |
| Усманов Р.Ж. | – | Тошкент шаҳри ҳокими |
| Махкамов И.Р. | – | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг мудири, комиссия котиби |

## ЗАЙД РААД АЛ-ҲУСАЙН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

***Аввал хабар қилинганидек, 2017 йил 10-12 май кунлари БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Зайд Раад ал-Ҳусайн бошчилигидаги БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси делегацияси расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади.***

Ташрифдан кўзланган мақсад Ўзбекистон билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, шунингдек, томонларни қизиқтирган йўналишларда келгусидаги алоқаларни муҳокама этишдан иборат.

Зайд Раад ал-Ҳусайн БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича еттинчи олий комиссаридир. У АҚШнинг Жонс Хопкинс университетида гуманитар фанлар бакалаври ва Буюк Британиянинг Кембриж университетида фалсафа доктори даражасини олган. Дипломатия соҳасида йигирма йиллик тажрибага эга.

2014 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари этиб тайинланган ва ушбу лавозимдаги илк Осиё вакилидир. Бунгача Зайд Раад ал-Ҳусайн БМТ Хавфсизлик кенгашига раислик қилган. БМТ олий комиссари сифатида 24 мамлакатга ташриф буюрган.

Зайд Раад ал-Ҳусайн халқаро ҳуқуқ, халқаро жиноий судлов, тинчликпарварлик операцияларини амалга ошириш ва ядровий терроризмга қарши курашиш масалалари бўйича мутахассис ҳисобланади. Халқаро жиноят судини таъсис этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш, геноцид ва инсониятга қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар элементларини аниқлаш ишларида иштирок этган. Араб, инглиз ва француз тилларини билади.

Зайд Раад ал-Ҳусайн Ироқ ва Суриядаги жанговар ҳаракатлар ҳудудларидаги гуманитар аҳвол, шунингдек, Венесуэла, Украина, Ғазо сектори ва Африканинг қатор мамлакатларидаги вазият билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни ўзининг асосий вазифалари сифатида белгилаган.

Зайд Раад ал-Ҳусайн мамлакатимизга ташрифи давомида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериши ва ташриф якунлари бўйича Халқаро пресс-клубда журналистлар олдида чиқиш қилиши кутилмоқда.

**ЎзА**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 4 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ва “Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида жойларда уруш қатнашчилари ва хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларини табриклаш маросимлари ўтказилмоқда.***



**9 май – Хотира ва Қадрлаш куни**

## ХОТИРА – АБАДИЙ, ЖАСОРАТ – МАНГУ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бундай байрам тадбирларини биринчилардан бўлиб бошлаб бергани чуқур рамзий маънога эга. Шу кунларда Мудофаа вазирлиги ва кенг жамоатчилик вакиллари Иккинчи жаҳон уруши фахрийларини жанг майдонларида кўрсатган матонати, мардлик ва жасорати учун қутлаш ҳамда кўнглини кўтариш мақсадида уларнинг уйларига ташриф буюрмоқда.

Бухоролик Ҳамид Воҳидов урушда Берлингача борган. Унинг кўкси жанговар мукофотлар билан тўла. Миномёт бўлинмаси командири бўлган Ҳамид ота инсоният тарихида энг қирғинбарот деб эътироф этиладиган Сталинград жангида ҳам иштирок этган. Урушдан сўнг Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тамомлаб, ҳаётини армия билан боғлади. Турмуш ўртоғи Ҳалима ая билан уч фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Кўплаб набира ва эвараларнинг бобоси ва бувижониси.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ўринбосари М.Солиев фахрийга Ўзбекистон Республикаси Президентининг пул мукофотини топшириб, вазирлик раҳбарияти номидан яқинлашиб келаётган Хотира ва Қадрлаш куни билан табриклади, ёш авлодни тарбиялашдаги фаол иштироки учун миннатдорлик билдирди. Шунингдек, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси И.Мирзаалиев ва жамоатчилик вакиллари ҳам муборакбод этди.

Ҳамид ота бундай юксак эътибор учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимов "45 йилнинг баҳори" қўшиғини ижро этганда Ҳамид отанинг кўзларида ёш қалқиди.

Бу учрашув Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Фазлиддин Остоновда унутилмас таассурот қолдирди. У отахоннинг уруш ҳақидаги сўзларини диққат билан тинглади. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар Жавоҳирбек Анорбоев уруш фахрийсига атаб шеър ўқиб берди.

Тошкент шаҳридаги "Буюк Ипак йўли" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Азизовнинг сўзларига кўра, маҳаллада икки нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси яшайди. Маҳалла аҳли фахрийларга ғамхўрлик кўрсатиб, уларнинг ҳолидан хабар олиб турибди, кундалик муаммоларини ҳал этишга кўмаклашмоқда.

*(Давоми 3-бетда)*

## ВАТАННИ СЕВМОҚ – ОЛИЙ САОДАТ

**5 май – Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, “Мустақиллик”, “Дўстлик” орденлари, “Жасорат” ва “Шуҳрат” медаллари таъсис этилган кун**



Ватанни севмоқ. Бу туйғу боламизга берилаётган меҳрда, оиламизга улашилаётган бахтда, яқинларимизга кўрсатилаётган эътиборда ўз ифодасини топиб келмоқда. Орамизда шундай инсонлар борки, улар қалбида бу ҳис янада гўзал, ҳаққоний, чуқур акс этган. Бундай одамларни эл-юрт дарди, ташвиши билан яшайди, деймиз. Улар хоҳ ўқитувчи, хоҳ шифокор, хоҳ деҳқон, хоҳ ижодкор бўлсин бетиним меҳнат қилмоқда, мамлакатимиз равнақи йўлида бор кучи, иқтидорини сарфламоқда.

Ана шундай ватандошларимиз меҳнати халқимиз ва давлатимизнинг доимий эътиборида. Улар кўксини безаётган "Олтин юлдуз" медали, "Мустақиллик", "Дўстлик" орденлари, "Жасорат" ва "Шуҳрат" медаллари олий даражадаги рағбатнинг асл тимсолларидир.

*(Давоми 3-бетда)*

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz

№ 95 (05.05.17)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# “НУКУС-ФАРМ”, “ЗОМИН-ФАРМ”, “КОСОНСОЙ-ФАРМ”, “СИРДАРЁ-ФАРМ”, “БОЙСУН-ФАРМ”, “БЎСТОНЛИҚ-ФАРМ” ВА “ПАРКЕНТ-ФАРМ” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ дирекцияларини ташкил қилсин ҳамда “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ дирекцияларининг низомларини тасдиқлаган ҳолда улар фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилсин.

5. Эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашининг янгиланган таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Эркин иқтисодий зоналарнинг янгиланган Маъмурий кенгашига “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗга нисбатан бошқарув функциялари юклансин.

6. Янги ташкил этилаётган “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ фаолиятини ташкил этиш комиссияси 2-иловага мувофиқ тузилсин.

Янги ташкил этилаётган иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш комиссияси зиммасига ушбу Фармонда назарда тутилган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан юқори қўшилган қийматли фармацевтика маҳсулотлари ва дори воситалари ишлаб чиқаришда самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

7. Фармацевтика маҳсулотлари ва дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил қилиш борасидаги барча ишларни бажаришда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ҳудудий ишчи гуруҳлар 2-“а” иловага мувофиқ намунавий таркибда тузилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликлари бир ой муддатда белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ таркибига киритиш учун ташқи муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан яхши таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда ер участкалари чегаралари белгиланишини ва уларнинг ажратилишини;

ер участкаларини аниқлаш ва кейинчалик уларни доривор ўсимликлар хомашёси етиштириш бўйича плантациялар ташкил қилиш учун берилишини таъминласин.

9. “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг 3, 4 ва 5-бандлари қоидалари татбиқ этилсин.

10. “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ дирекциялари эркин иқтисодий зоналарнинг бутун фаолият кўрсатиши даврида солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

11. “Ўзфармсаноат” ДАК, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ ҳудудларида саноат плантациялари ташкил этиш ва чуқур қайта ишланадиган дори воситалари ҳамда биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқаришга тавсия этилаётган доривор ўсимликлар рўйхатини ташкил этиш бўйича мақсадли Дастурни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий кенгашига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент фармацевтика институти билан биргаликда “Ўзфармсаноат” ДАКга ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларга вилоятларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда саноат плантациялари ташкил қилиш учун доривор ўсимлик турлари рўйхатини, шунингдек, маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёсидан фойдаланган ҳолда доривор моддалар (субстанциялар) ва дори воситалари ишлаб чиқиш соҳасидаги янги илмий тадқиқотлар натижаларини тизимли равишда тақдим этсин.

13. “Ўзфармсаноат” ДАК Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликлари, инвестиция лойиҳалари ташаббускорлари билан биргаликда икки ой муддатда “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ ҳудудларида амалга оширилиши таклиф қилинаётган инвестиция лойиҳалари рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқлаш учун эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий кенгашига киритсин.

14. “Асака” АТБ ва бошқа тижорат банкларига:

“Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ ҳудудларида амалга ошириш таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун, шунингдек, доривор ўсимликлар хомашёсини етиштириш бўйича плантациялар ташкил этиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва фермер хўжаликларига ўз маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати берилмаган ҳолда жалб этилган хорижий кредит линиялари ҳисобига кредитлар ажратиш;

гаров таъминоти етарли бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига технологик ускуналар лизинг асосида етказиб берилишини таъминлаш тавсия этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АК, “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ ҳудудларини, шунингдек, уларнинг иштирокчиларининг ишлаб чиқариш майдонларини тегишли ташқи муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан кафолатли таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзфармсаноат” ДАК, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзтрансгаз” АК, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ ҳудудларида йўл-транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурини уч ой муддатда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ҳар йили келгуси йилга Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури параметрларини шакллантиришда “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗнинг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун эркин иқтисодий зоналарнинг ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бош режалари асосида капитал қўйилмалар лимитларини ҳамда зарур марказлаштирилган инвестициялар ажратилишини назарда тутсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг тегишли равишда “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияларини “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗнинг бош режаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича буюртмачи этиб;

“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУКни “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ ва “Бойсун-фарм” ЭИЗнинг бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳалаш ташкилоти этиб;

“ТошкентбошпланЛИТИ” ДУКни “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳалаш ташкилоти этиб белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

18. “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК ва “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК уч ой муддатда “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗнинг бош режаларини ишлаб чиқсин ҳамда эркин иқтисодий зоналарнинг Маъмурий кенгаши билан келишган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

19. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ ҳудудларида логистика марказлари ҳамда божхона постлари ташкил этиш юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ ҳудудларида ёввойи ўсимликлардан тайёр фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни амалга оширган ёки ёввойи ўсимликлардан тайёр фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш иштирокчилари, “Нукус-фарм” ЭИЗ, “Зомин-фарм” ЭИЗ, “Косонсой-фарм” ЭИЗ, “Сирдарё-фарм” ЭИЗ, “Бойсун-фарм” ЭИЗ, “Бўстонлиқ-фарм” ЭИЗ ва “Паркент-фарм” ЭИЗ билан тузилган шартномалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар “Қизил китоб”га киритилмаган ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликлар рўйхатига киритилган ёввойи ўсадиган ўсимликлар тайёрлагани (тўплагани) учун ундириладиган тўлов табиий муҳитдан олинган ёввойи ўсимликлар (яланғоч қизилмиядан ташқари)га белгиланган тўловларнинг 50 фоизи миқдорида белгилансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сонли “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони 5-бандининг биринчи хатбоши ҳамда 1-иловаси ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

22. “Ўзфармсаноат” ДАК Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

23. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 3 май*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “НУКУС-ФАРМ”, “ЗОМИН-ФАРМ”, “КОСОНСОЙ-ФАРМ”, “СИРДАРЁ-ФАРМ”, “БОЙСУН-ФАРМ”, “БЎСТОНЛИҚ-ФАРМ” ВА “ПАРКЕНТ-ФАРМ” ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Дори-дармон воситалари касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларни даволашда муҳим аҳамият касб этиши ҳаммамизга яхши маълум. Ўз навбатида давлатимиз раҳбари томонидан фармацевтика саноатини ривожлантиришга, аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган сифатли, юқори самарали ва хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фармацевтика соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, жаҳон бозорида рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ва унинг турларини кенгайтиришга қаратилган таркибий ўзгартиришлар амалга оширилди.

Натижада 146 та маҳаллий фармацевтика корхонаси томонидан 2000 хилдан ортиқ дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2016 йил якунлари бўйича мамлакатимиз фармацевтика бозорида маҳаллий дори-дармон воситаларининг улуши 55 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, тармоқда бугунги кунда олиб борилган таҳлиллар ички бозорни маҳаллий дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан янада кўпроқ тўлдириш учун республикамизнинг фармацевтика соҳасини ривожлантириш бўйича янада самарали чора-тадбирлар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, дунё фармацевтика саноатида 8500 турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилаётган бўлса, уларнинг 6300 таси халқимиз эҳтиёжлари учун импорт қилинади.

Юртимиздаги дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган фармацевтика корхоналарининг хорижий хомашё ҳамда материаллар импортига юқори даражада боғлиқлиги соҳа ривожига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Маҳаллий хомашё ва доривор ўсимликлар асосида дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига фармацевтика маҳсулотларининг маҳаллийлаштирилишини чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш, шунингдек, уларни тиббиёт амалиётига кенг жорий этиш долзарб масала ҳисобланади. Ҳозирги пайтда халқаро тиббиёт амалиётида фойдаланилаётган 350 турдаги доривор ўсимликлардан 71 таси республикамизда ташкил этилган саноат плантацияларида етиштирилади. Бу эса талаб ва эҳтиёж катта бўлган дори-дармон воситаларини маҳаллий шароитда узлуксиз ишлаб чиқариш учун етарли эмас, албатта. Шуни инобатга олган ҳолда, ишлаб чиқариш қувватларига яқин, экологияси тоза ва соф бўлган туманларда янги плантацияларни ташкил этиш ривожланаётган фармацевтика соҳасининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлиқ-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниши, аввалამбор, республикамизнинг фармацевтика соҳасини ривожлантиришга, дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга, маҳаллий дори-дармон воситалари бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори сифатли препаратлар билан тўлдиришга кенг имконият яратади.

Фармонда, жумладан, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш фармацевтика саноатини янада ривожлантиришда биринчи даражали вазифа сифатида белгилаб берилган.

Тупроқ ва иқлим шароитлари ноёблигини инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш тўғрисида таклиф киритилган. Фармонда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун давлат органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларига қуйидаги топшириқлар юклатилди:

ер участкалари чегараларини белгилаш ва уларни эркин иқтисодий зоналар таркибига киритиш учун ажратиш;

келгусида доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил қилиш учун ер участкаларини аниқлаш ва уларни ажратиш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида саноат плантацияларини ташкил этиш, ўстириш учун тавсия этиладиган доривор ўсимликларнинг рўйхатини тузиш ҳамда кейинчалик ушбу доривор ўсимликларни чуқур қайта ишлаш, дори-дармон воситалари ва биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқариш бўйича мақсадли Дастур ишлаб чиқиш.

Фармонда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши доривор ўсимликлар хомашёсини қайта ишлаш ва дори-дармон воситалари, тиббиёт буюмлари, ёрдамчи ва қадоқлаш материаллари ишлаб чиқариш бўйича янги замонавий ишлаб чиқариш ва қувватларни ташкил этишга, маҳаллий доривор ўсимликлар хомашёси ва материаллар негизида фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга имкон беради.

Ташкил этилаётган эркин иқтисодий зоналарнинг фаолият муддати кейинчалик узайтириш имкони билан 30 йил этиб белгиланган, ушбу ҳудудларда алоҳида солиқ, божхона ва валюта тартиблари амал қилади.

Жумладан, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан тегишли инвестициялар киритилганда, улар:

ер солиғи, даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмалардан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар, хомашё ҳамда бутловчи буюмларни олиб киришда божхона тўловларидан озод этилади.

Шунингдек, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ўзларига қулай бўлган тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш шартлари ва шаклларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ушбу берилаётган имтиёз ҳамда қулайликлар маҳаллий ҳамда хорижий инвесторлар томонидан иқтисодиётга тўғридан-тўғри инвестициялар киритилишига бўлган қизиқишни оширади.

Эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг барчаси ва ҳар бири учун қулай шароитлар яратиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ҳудудлари, шунингдек, уларнинг иштирокчиларининг ишлаб чиқариш майдонлари тегишли ташқи муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан кафолатли таъминланади.

Фармоннинг аҳамиятли томонларидан яна бири тижорат банкларига ўз маблағлари ва жалб этилган хорижий кредит линиялари ҳисобига эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида амалга ошириш таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш, шунингдек, доривор ўсимликлар хомашёси етиштириш бўйича плантациялар ташкил этиш учун хўжалик юритувчи субъектлар ва фермер хўжаликларига кредитлар ажратиш тавсия этилмоқда. Шу билан бирга, гаров таъминоти етарли бўлмаган ёки мавжуд бўлмаган ҳолларда тижорат банклари инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига технологик ускуналар лизинг асосида белгиланган тартибда етказиб берилишини таъминлайди.

Фармоннинг қабул қилиниши ички бозорни кенг турдаги ҳаммабоп, сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан янада тўлиқ тўлдириш ва алоҳида ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш масалаларини ҳал этишга қаратилган.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Андижонда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида маҳалла институтининг ўрни” мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.**

**• Гулистон шаҳридаги 1-хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ўтказилган республика ҳудудий ўқув-амалий семинари “Инновацион изланишлар лабораторияси” деб номланди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган семинарда Тошкент шаҳри, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларидан энг илғор чет тили фани ўқитувчилари ўз дарс ишланмалари билан иштирок этди.**

**• Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси томонидан енгил атлетика бўйича ташкил этилган “Саломатлик сари” республика оммавий югуриш марафони Сурхондарё вилоятида байрамона руҳда ўтказилди.**

**• Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказига Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)нинг грант лойиҳаси асосида энг сўнгги русумдаги 5 миллион 610 минг долларлик замонавий тиббий жиҳозлар келтириб ўрнатилгани аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**• Миср туризм вазирлигининг маълум қилишича, жорий йилнинг 1 июнидан Миср Араб Республикасида янги электрон визалар амал қила бошлайди. Ушбу чора Миср аэропортларида назоратдан ўтиш жараёнини соддалаштириш ва сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилиши айтилмоқда. Бу йил ушбу мамлакатга 8-10 миллион сайёҳ келиши кутилаяпти. Янги тартиб жорий қилинса, виза нусхаси сайёҳнинг электрон почта манзилига юборилади.**

**• Хитойнинг Шэньчжэнь шаҳри маъмурияти тирбандликларга қарши курашиш учун махсус йўл роботларидан фойдаланишга киришди. Мазкур тизимнинг ишлаш механизми аслида жуда оддий: бошқарув пульти орқали буйруқ берилганда, компьютерлаштирилган тўсиқлар автоматик равишда силжийди ва йўлнинг ҳаракатланиш қисми нисбатан кенгаяди. Ҳозирча бу тизимдан ҳар куни эрталаб, тиғиз вақтда икки соатгина фойдаланилмоқда. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари хабарига қараганда, ушбу янгилик татбиқ этилган йўлнинг ўтказувчанлиги 12,1 фоиз ошган.**

**• Бир гуруҳ парҳезшунос олимлар инсон соғлом юриши ва ўзини яхши ҳис этиши учун ҳар куни истеъмол қилиши зарур бўлган энг муҳим учта маҳсулотнинг номини айтишди. Интернет сайтларида келтирилишича, булар олма, сабзи ҳамда грек ёнғоғидир. Ўз саломатлиги ҳақида қайғурган одам, албатта, ана шу маҳсулотларни истеъмол қилиши лозимлиги тавсия этилмоқда.**

**9 май – Хотира ва Қадрлаш куни**



# ХОТИРА – АБАДИЙ, ЖАСОРАТ – МАНГУ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Иван Семёнович Балабай асли Украинанинг Харьков вилоятидан. У Ўзбекистонни иккинчи Ватани деб билади. Тўрт фарзанди Ўзбекистонда вояга етди. Иван Семёнович армиядан захирага бўшатилгач, жамоат ишлари билан шуғулланди.

– Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқлардан келган юз минглаб одамларга бошпана берганини ҳеч қачон эсдан чиқармаймиз, – дейди Иван Семёнович ЎзА мухбирига. – Ўша оғир кунларда ўзбекистонликлар бир бурда нонини биз билан баҳам кўрди, рус, украин, беларус ва молдаванларни ўз ака-укасидек қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбарияти биз, фахрийларга ғамхўрлик кўрсатиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда иштирок этишга жалб этаётганидан хурсандмиз.

"Нуроний" жамғармасининг Мирзо Улуғбек тумани бўлими раиси Исмоил Олимовнинг айтишича, Иван Семёнович жамоатчилик ишларида, мактаб ва коллежларда ташкил этиладиган учрашувларда фаол иштирок этади. Фахрийларнинг мардлиги, жасорати, шижоати ёшлар учун ҳамиша ибратдир.

Президентимизнинг қарорида "Букилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топиши, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, сафимизда юрган кексаларни эъзозлаш – одамийликнинг энг олий мезони ва бизга тинчлик, омонлик керак, деб яшайдиган бағрикенг ва олижаноб халқимизга хос азалий қадриятдир" дейилган.

Захирадаги полковник Ҳаким Тошматовнинг турмуш ўртоғи Миланье Петровна Тошматова уруш азобларини тортган инсонлардан. У турмуш ўртоғи билан узоқ ва бахтли умр кечирди. 1942 йилда Германияга мажбуран олиб келиниб, 1945 йил концлагердан озод этилган. Сабр-матонатли Миланье Петровна тақдирнинг бундай синовларига бардош билан чидади. Урушдан кейин Ўзбекистон иқтисодиётини тиклашга ўз ҳиссасини қўшди, икки ўғлини ҳақиқий Ватан ҳимоячиси этиб тарбиялади. Икки ўғли ҳам ҳарбий хизматдан полковник унвони билан захирага бўшатилган.

– Сизга ва барча уруш фахрийларига таъзим қиламиз, – дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги фахрийлар ишлари бўйича марказий кенгаши раиси Ҳикмат Қосимов. – Хотира, мардлик ва матонатни ҳурмат қилиш Ўзбекистоннинг бугунги ёшлари учун бебаҳо қадриятдир.

**Аблай КАМОЛОВ**

# ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИРОФДАН НУРАФШОН ДИЛЛАР

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси ҳамкорлигида 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан "Эъзоз ва эътирофдан нурафшон диллар" мавзуида маънавий тадбир ўтказилди.***

Юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш ҳамда ушбу байрамни юксак савияда нишонлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, O'zLiDeP фракцияси аъзолари ва партия фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар томонидан қайд этилганидек, дунёдаги барча эзгу ишлар пойдевори тинчлик туфайли, шу оддий ҳақиқатни англаш эса ҳар биримиз учун юртни қадрлаб, осойишталикни улуғлашга асос бўлади. Бугун ана шундай тушунча билан яшаган ҳушёр ва сергак миллат, ўз келажаги хавфсизлигини ўйлаган халқ эртасини ярата олади.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини қутлаб, эъзоз ва эҳтиром кўрсатган депутатлар ва партия фаоллари истиқлол йиллари буюк авлод-аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, ўтганлар руҳини шод этиш, кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш эзгу анъанага айланганлиги, бу ўз навбатида, янги авлод тафаккурида ҳам тарихга ҳурмат билан қараш туйғусини шакллантираётганлигини қайд этишди.

– Ушбу кунда ёши улуғ инсонлар, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларимизни эслаш, ҳолидан хабар олиш, ҳамиша уларга нисбатан эътиборли бўлиш барчамиз учун анъанага айланган, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Қаҳрамон Эргашев. – Фахрийларимизнинг саломатликларини доимий назоратга олиш, уларни бепул даволанишлари ва дам олиш масканларида соғломлаштириш ишлари мунтазам олиб борилаётганлигини таъминлаш Ҳаракатлар стратегиясида ҳам белгиланганлиги уларга нисбатан эътиборни яна бир босқичга кўтарди.

– Биз, фахрийлар тинчлик ва осойишталикнинг қадрини кўпроқ ва чуқурроқ англаймиз, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мадамин Ҳасанов. – Чунки фронтларда жон олиб, жон беришимизга тўғри келган. Мана, ўша машаққатли йиллар ортда қолди. Бугун эл-юрт, невара-чеваралар ардоғида фаровон ҳаёт кечиряпмиз. Айниқса, Президентимиз томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Юқоридагидек дил сўзлари бугун барча ҳудудларимиздаги фахрийлар, кекса онахон ва отахонларимиз тилидан баралла янграётгани бежиз эмас. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан маҳаллий ҳокимликлар, "Нуроний" жамғармаси, сиёсий партиялар вакиллари фахрийлар хонадонига ташриф буюриб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишмоқда. Бу ҳам бўлса, ўзбекона бағрикенглик нишонасидир.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга, жангда ҳалок бўлганларнинг оилаларига совғалар топширилиб, байрам дастурхони ёзилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Бугун озод ва обод юртимизда умргузаронлик қилаётган, юзидан нур ёғиладиган кекса отахон ва онахонларимизнинг қўллари доимо дуода. Тан олиб айтиш керакки, дунёнинг ҳеч бир давлатида кексаларга биздагидек ҳурмат-эътибор кўрсатилмаса керак. Чунки бу анъана халқимизнинг азалий қадриятларидан бири бўлиб, ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, уларга ғамхўрлик ва иззат-икром кўрсатиш қон-қонимизга сингиб кетган юксак фазилатлардан ҳисобланади.***

# ФАХРИЙЛАРИМИЗ – ЭЪЗОЗДА

Барча соҳалардаги каби ички ишлар органларида ҳам ўз касбининг фидойилари жуда кўплаб топилади. Ана шундай инсонлардан бири, узоқ йиллар давомида Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида фаолият олиб борган, истеъфодаги полковник Миржалил Усмоновдир. У ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида ўз касбига бўлган садоқатини намоён этди ва ёнғин хавфсизлиги соҳасига кўплаб етук малакали мутахассис кадрларни етказиб беришга муносиб ҳиссасини қўшди.

Бугунги кунда Миржалил Усмоновни республикамиз ёнғин хавфсизлиги соҳасида фаолият олиб бораётган кўпчилик ходимлар ва раҳбарлар ўзининг устози деб билади.

Миржалил ака ёшларга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги илмий изланишларида ҳам улкан муваффақиятларга эришди. Улар томонидан яратилган ёнғиндан ҳимояловчи "Согда" экранлари инсонлар ҳаётини асрашдаги аҳамияти беқиёс даражада бўлиб ушбу ихтиро Ёнғин хавфсизлиги институтини ҳамда Ўзбекистон ёнғин хавфсизлиги соҳасини бутун дунёга машҳур қилди. Ихтиро учун дунёнинг 20 дан ортиқ ривожланган давлатларининг патентлари олинди. Ушбу хизматлари учун Миржалил Усмонов 2005 йилда Женевада Бутун Жаҳон Интеллектуал Мулк агентлигининг олтин медалига сазовор бўлди.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти раҳбари генерал-майор А.Қўлдошев бошчилигида полковник Ў.Музаффаров, полковник Н.Мансурходжаев, истеъфодаги полковник Б.Ваҳабов, подполковник Ш.Атабаевлар устоз хонадонига ташриф буюришди. Ташриф давомида устознинг республикамиз илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси ва ёшларга таълим-тарбия беришдаги хайрли ишлари яна бир бор эсланиб барча шахсий таркиб номидан миннатдорчилик изҳор этилди. Суҳбат давомида ўтмишда бўлиб ўтган қизиқарли воқеаларни эслашди ҳамда институт раҳбариятининг эсдалик совғаларини топширишди.

Миржалил Усмонов сингари инсонларнинг эл-юрт тинчлик-осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги йўлида чеккан заҳмати ҳеч қачон унутилмайди. Ана шундай фахрийларимиз юртимизнинг ва биз ёшларнинг бахтига доимо соғ-омон бўлишсин.

Токи ерда ҳаёт давом этар экан, умрини эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашга, инсонларга ёрдам беришга, Ватан тараққиётига ҳисса қўшишга бағишлаган Миржалил Усмонов сигари фидойи инсонлар ҳар доим эъзозу эътиборда бўлаверади.

**Ўлмас МУЗАФФАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институти бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник**

# ҚАДРДОНЛАР УЧРАШУВИ

***Ҳамшаҳар халоскорларимиз, тахтапуллик уч тўпчи: Абдураҳмон Файзиев, Тўра Мирзаев, Турсунбой Саидумаровларнинг жанговар фаолияти барчага, айниқса, ёшларга жуда ибратлидир. 1942 йилнинг сентябрь ойида бир маҳалладан, бир кунда жангга отланган бу уч ўртоқ беш йил мобайнида битта ҳарбий бўлинмада намунали хизмат қилишгани, айни ҳақиқат. Улар ёвуз душман устидан ғалаба қозониб, 1947 йилнинг апрелида кўкракларини шон-шараф нишонлари билан тўлдириб, ёруғ юз билан она диёримизга эсон-омон қайтиб келишгани эса, Яратганнинг буюк неъмати, ажри савоби, десак асло муболаға бўлмайди.***

Улар хизмат қилган ҳарбий қисм 19-алоҳида гвардиячи миномётчилар бригадаси деб аталган. Бу қисм Сталинградни мудофаа қилишда фаол иштирок этган. Кейин эса Брянск, Воронеж, 1-Украина ҳамда Ленинград фронтларидаги аёвсиз жанглар, Берлинни олиш операциясида қатнашган, Дрезденни ишғол қилиб, Прагани фашист босқинчиларидан озод этишдек катта жанговар йўлни мардонаворлик билан босиб ўтган.

Энг қизиғи, 1982 йил июнь ойида Львов вилояти, Нестерево шаҳрида улар хизмат қилган ҳарбий қисм ташкил этилганлигининг қирқ йиллиги кенг нишонланди. Ҳамшаҳарларимиз фахрийлар сифатида бу тарихий учрашувга боришди, 37 йилдан сўнг жанговар сафдошлари билан дийдорлашиб, мароқли суҳбатлар қуришди. Бу учрашув чинакам жанговар дўстлик байрамига айланиб кетди. Орадан кўп ўтмай, уларнинг номига қуролдош дўстлари, генерал-лейтенант Борис Васильевич Белявскийдан қуйидаги мазмунда хат келди: "Ҳурматли дўстларим Абдураҳмон, Тўражон, Турсунбой! Серқуёш Ўзбекистон, меҳмондўст Тошкент шаҳрига соғ-саломат етиб бординглармми? Мендан барча юртдошларингизга энг самимий салом ва эзгу тилакларим ёр бўлсин! Мен шу кунгача қуролдошларимиз, айниқса, Сизлар билан бўлган бетакрор учрашув таъсирида қаттиқ ҳаяжондаман. Бу ҳақда фахр-ифтихор билан ҳамма жойда яқин дўст-биродарларимга тўлиб-тошиб гапириб юрибман. Ҳа, бундай учрашувлар ҳеч қачон унутилмайди, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, бир умр унинг иштирокчиси қалбини завқ-шавққа тўлдиради, йиғлатади, ўйлатади. Сизнинг жаннатмакон Ўзбекистондан бизга келтирган совға-саломларингиз ниҳоятда қадрли ва бебаҳодир. Кеча менга келтирган пахталик чопонингизни кийиб, белимни шоҳи белбоғ билан маҳкам боғладим, бошимга гармдоринусха қўқондўппини кўндирдим. Шунда аъзойи баданимга иссиқлик югуриб, ўзбекистонлик дўстларимнинг қайноқ меҳр тафтини ҳис қилдим, сиз азизларимни ғойибона бағримга босдим. Буни кўрган оила аъзоларим менга ҳайрату ҳавас билан тикилиб қолишди. Мен бу ноёб совғаларни уйимнинг тўрида сақлаб, катта шодиёна кунларда мамнуният билан кийиб юраман. Сизларга яна бир бор катта раҳмат! Энг муҳими, совға-салом эмас, балки одамга самимий меҳр-муҳаббат, эътибор, эҳтиром кўрсатилгани қадрлидир. Сизларда оддий сўз билан таърифлаб бўлмайдиган бебаҳо инсоний фазилатлар, улуғ маънавият, маданиятнинг борлигига шак-шубҳа йўқ. Яна Сиз билан серқуёш Ўзбекистон, бағри уммон Тошкент ёки қадимий ва ҳамиша навқирон Питер шаҳрида дийдор кўришгунча хайр.

Сизларни маҳкам қучиб, Борис Белявский."

Буни қарангки, тақдир тақозоси билан жанговар дўстлар 1984 йилнинг кузида Тошкентда учрашишди, оловли йиллардаги ўчмас хотираларни ёдга олишди.

– Мен Сизлар билан ўлимларни доғда қолдириб, деярли қирқ йилдан сўнг Тошкентда учрашиб турганимдан беҳад бахтлиман, – деган эди меҳмон қувончини яширолмай камтарлик билан. Ваҳоланки, у 1945 йили душман тўплардан тинимсиз ўқ ёғдириб турган таҳликали вазиятда Одер дарёсининг чап қирғоғига кечиб ўтиш операциясида кўрсатган жасорати учун 21 ёшида Уруш Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди. Кейин ҳарбий-сиёсий академияни тугатиб, юксак лавозимда фаолият кўрсатганди.

– Ўшанда Сиз Қаҳрамонлик унвони, биз эса Жасурлик нишони билан тақдирлангандик, – деган эди ғурур билан суҳбатдошининг фикрига қўшилган Тўра Мирзаев. – Айтингчи, ўша ҳаёт-мамот жангларида бугунги учрашувимизни хаёлимизга келтирганмидик?!

– Албатта, – деган эди ўртоғининг сўзини маъқуллаб, камгапгина Абдураҳмон Файзиев тўлиқ ишонч билан. – Сафларда мард, жасур ва баҳодир йигитларимиз бор экан, фашизм устидан ғалаба қучишимиз, урушдан кейин ғолиблар мақомида учрашишимизга имонимиз комил эди. Бугунги эсон-омон дийдор онларимиз бунинг исботи эмасми?

– Тўғри, – деганди сукут сақлаб ўтирган Турсунбой Саидумаров. – Бизни улуғ мамлакат, халқимиз қўллаб-қувватламаганида, уруш талафотлари, йўқотишларни сабр-тоқат билан енгмаганида, ғалабага умидини йўқотганида бугунги озод, тинч, фаровон кунларга етиб кела олмас эдик. Эндиги асосий вазифамиз жаҳонда тинчликни сақлаш, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, доимо огоҳ, ҳушёр бўлишдир.

– Худди шундай, азиз дўстларим, – дея суҳбатни ўзига хос кўтаринки руҳда якунлаганди мартабали меҳмон. – Ён-атрофимизда ҳамон ёвуз, ғаламис, қора кучлар бор экан, уларни жиловлаб, тушовлаб олишга бизда куч-қудрат, имкониятларимиз етарли. Энг асосийси, ортимизда етишиб келаётган авлод, элсевар, фидойи, мард ўғил-қизларимиз, ўринбосарларимиз бор!

Қуролдош дўстларнинг билдирган бу фикр-мулоҳазалари улар қаерда, ким билан мулоқотда бўлишмасин, бир овоздан якдиллик билан маъқулланганди. Бу қатъий ишонч, эзгу ниятлар тахтапуллик халоскор ҳамшаҳарларимизнинг 1930–1940 йилларда таълим олган Тошкент шаҳридаги 20-умумтаълим мактаби жамоаси билан бўлган учрашувида яна бир бор ўз ифодасини топган эди.

Қувонарли жиҳати, бу жанговар руҳ, даъват ҳали ҳам давом этиб, қуролдош дўстларнинг ўзлари каби тарих саҳифаларига умрбод муҳрлангани, ёрқин из қолдирганидир. Зеро, хотира – муқаддас, қадр-қиммат – абадий, мардлик, жасорат, қаҳрамонлик унутилмасдир.

**Искандар РАҲМОН,**
**Куролли Кучлар фахрийси,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**Турон Фанлар академияси академиги**

# ВАТАННИ СЕВМОҚ – ОЛИЙ САОДАТ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида бу олий мукофотларнинг таъсис этилганига 23 йил тўлди.

Бу юксак мукофотларга Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган қонунлар асосида тамал тоши қўйилган.

Йилдан-йилга мамлакатимизнинг олий мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига эга бўлаётган ватандошларимиз сафи кўпаймоқда.

Бу унвон билан тақдирланган шахсга "Олтин юлдуз" медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат Ўзбекистон Президенти томонидан ёки Президент номидан тантанали вазиятда топширилади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Қаҳрамони деган шарафли номга ўнлаб юртдошларимиз сазовор бўлди. Истиқлолимизнинг 25 йиллиги арафасида Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун яна бир гуруҳ юртдошларимиз ушбу юксак мукофот билан тақдирланди.

Булар "Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази" акциядорлик жамияти директори Равшанбек Қурбонов, Боғот туманидаги "Боғот" фермер хўжалиги бошлиғи Шарипбой Ражабов, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш дирекцияси бошлиғининг ўринбосари – Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл қурилиши бошлиғи Эркин Умматов ва Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси Муҳаббат Шароповадир.

Тонг чоғи озода ва кўркам кўчаларни тўлдириб кетаётган юртдошларимиз – фарзандларини боғча, мактабга етаклаган ота-оналар, ўқиш ва ишга шошаётган ёшларга кўзимиз тушади. Улар чеҳрасида эртанги кунга ишонч, ҳаётидан мамнунлик ифодаси яққол сезилади. Юз-кўзимизнинг кўрки бўлган бу ифоданинг мусаввири мамлакатимиз мустақиллигидир. У борки, жаҳонда тенглар ичра тенгмиз, ўз ўрнимиз, ўз сўзимиз, ўз тутумимизга эгамиз. Бу неъмат бизга фаровон ва тинч ҳаётни инъом этмоқда, ўз истеъдод ва қобилиятимизни тўла намоён этишимиз учун кенг шарт-шароит яратмоқда.

Давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири "Мустақиллик" номи билан аталишида ана шу теран маъно мужассам. Бу орден билан мустақил ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган инсонлар тақдирланади. Ушбу мукофот Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бирликларига ҳам берилиши мумкин.

Биринчи Президентимизнинг фармони билан Ватанимиз пойтахти – Тошкент шаҳри миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш борасидаги улкан хизматлари учун "Мустақиллик" ордени билан мукофотланган.

"Дўстлик" ордени юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон халқининг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳамкорлигини ривожлантириш ишида катта ютуқларга эришган инсонларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида таъсис этилган.

Бу мукофот мамлакатимиз фуқароларига, шунингдек, фуқаро бўлмаган шахсларга ҳам берилади.

Ўтган йилларда унинг соҳибига айланганлар сафида нафақат юртдошларимиз, айни пайтда бошқа мамлакатлар фуқаролари, хорижий элчихона ва ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳам борлиги ушбу мукофотнинг юксак нуфузидан далолат беради.

Япониялик археолог олим Като Кюдзо ҳам ана шундай юксак мукофотнинг эгаси эди. Унинг узоқ йиллар Сурхон воҳасининг маданий-тарихий ёдгорликларида олиб борган кўп йиллик изланишлари ҳудуднинг бой ўтмиши, жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси ва маданий-маънавий меросимизни дунёга янада кенг танитишга хизмат қилди.

"...Мен Японияда туғилган бўлсам-да, Ўзбекистонни ўз Ватаним деб биламан. Шу муқаддас юртнинг фахрий фуқароси эканимдан ғурурланаман. Президент Ислом Каримов менинг камтарона меҳнатимни юксак баҳолаб "Дўстлик" ордени билан мукофотлаган. Бу қалбимга чексиз ифтихор бағишлайди. Умримнинг асосий қисми шу юртда ўтганидан бахтиёрман", деган эди қадимшунос олим 2014 йили Самарқандда ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро илмий конференцияда журналистлар билан суҳбатда.

Ватанимиз тинчлиги, сарҳадларимиз мустаҳкамлиги, ҳаётимиз осойишталиги олий бахтимиз. Миллий армиямиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари ана шу бахтнинг ҳақиқий посбонларидир. Мардлик ва фидойилик кўрсатган инсонларнинг Ватан олдидаги хизматлари ҳеч қачон унутилмайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган жасоратлари учун кўплаб юртдошларимиз "Жасорат" медали билан тақдирланди.

Ватанимиз дунё тамаддунини тебратган маърифат бешикларидан бири. Аждодларимизнинг илм-фан, маданият каби кўплаб соҳаларда қўлга киритган ютуқлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Эътиборлиси, кейинги йилларда фақатгина фахрланишнинг ўзи етарли эмаслигини чуқур англаган юртдошларимиз кўпаймоқда. Улар ўз соҳалари бўйича улкан марраларни забт этиб, ота-боболаримиз анъанасини давом эттираётир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантириш, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишида улкан ютуқларга эришаётган бундай юртдошларимиз "Шуҳрат" медали билан мукофотланмоқда.

Меҳнати эътироф этилган асл ватанпарвар, фидойи, жасоратли юртдошларимиз ибрати доим бизни ўз устимизда ишлашга, эл-юрт манфаати учун фидокорона меҳнат қилишга ундайди.

**Малоҳат ҲУСАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

